КОСМОНАВТЛАР ОНА-ЕРГА ҚАЙТДИЛАР

«СОЮЗ—10» ПАРВОЗНИ ТУГАЛЛАДИ

«Салют» учишни давом эттираяпти

ТАСС ахбороти

Космонавтлар Владимир Александрович Шаталов, Алексей Станиславович Елисеев ва Николай Николаевич Рукавишников ўртоқлардан иборат экипаж бошқараётган «Союз-10» космик кемаси «Салют» станцияси билан биргаликда илмий-техникавий тадқиқотлар программасини бажариб бўлганидан кейин кеча, 1971 йил 25 апрелда Москва вақти билан соат 2 дан 40 минут ўтганда Қарағанда шаҳрининг 120 километр ғарби-шимолида Совет Иттифоқи территориясига оҳиста қўнди. Космик кема қўнганидан кейин космонавтлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

Бу учиш вақтида ўтказилган тадқиқотлар «Салют» орбитал илмий станцияси билан қилинаётган ишлар умумий программасининг бир босқичидир.

«Салют» орбитал илмий станцияси билан биргаликда икки кун давом этган учиш вақтида бир-бирини қидириб топадиган, узоқдан келиб яқинлашадиган, ёндоштирадиган, космик кема билан автомат станциянинг бир-бирига туташтирадиган ва ажратиб юборадиган такомиллаштирилган системаларининг қандай ишлай олишини текшириб кўришга донр тадқиқотлар комплекси бажарилди.

Космонавтлар 23 апрелда Ер атрофидаги орбитага чиқиб олганларидан кейин борт системаларини текшириб кўрдилар ва шу йил 19 апрелда Ер атрофидаги орбитага чиқариб қўйилган «Салют» станцияси билан биргаликда экспериментлар ўтказмоқ учун космик кемани зарур даражада тайёрлашга киришдилар.

24 апрелда Москва вақти билан соат 4 дан 47 минут ўтганда «Союз-10» космик кемаси «Салют» орбитал станцияси билан туташтирилди. Космик аппаратларни туташтириш ишлари икки босқичга бўлиниб ўтказилди. Биринчи босқичда станцияга 180 метр масофа қолганида кемани станция билан яқинлаштириш автоматик бошқарув режимида амалга оширилди. Шундан сўнг уларни бир-бирига яқинлаштириш ва ёндоштириш ишларини кема экипажининг ўзи бажарди.

«Станция-кема» космик системасининг туташган ҳолатдаги учиши 5 соату 30 минут давом этди. Шу учиш вақтида борт системалари текшириб кўрилди, динамик характеристика қандайлигига баҳо берилди.

Мўлжалланган экспериментлар бажарилиб бўлганидан кейин экипаж «Союз-10» кемасини станциядан ажратиб, нарига олиб кетди.

«Союз10» кемасининг сиртига ўрнатилган телевизион камералар аппаратлар биргаликда учиб бораётган ва бириданажралаётган вақтда «Салют» станциясининг ҳамда станция конструкцияси айрим элементларининг тасвирларини ерга юбориб турди.

«Союз-10» кемаси учиб бораётган вақтда космонавтлар планлаштириб қўйилган илмий кузатишларни ва экспериментларни бажариб турдилар, фото ва кино аппаратлар билан суратлар олдилар.

Экспериментларнинг мўлжаллаб қўйилган программаси бажарилиб бўлганидан кейин «Союз10» кемасини ерга туширишга ҳозирлаш ишлари ўтказилди. Экипаж кемани зарур томонга йўллаб қўйди ва Москва вақти билан соат 1 дан 59 минут ўтганда тормозловчи двигателни ишга туширди. Двигатель ишлаб бўлганидан кейин ва кема бўлинмалари ажратиб олинганидан кейин туширилаётган аппаратнинг Ер томон учиши бошланди. Атмосферада аэродинамик тормозланиш ўтказилганидан кейин парашютлар системаси ишга солинди, Ерга жуда яқинлашиб қолган пайтда эса оҳиста қўндирувчи двигателлар ишга солинди. Туширилаётган аппаратнинг учиши ҳисоблаб қўйилган райондаги ерга равон қўниш билан тугалланди.

Космонавтлар Ерга қўнган жойда уларни қидирувчилар группаси, спорт комиссарлари, матбуот вакиллари ва дўстлари кутиб олишди.

«Союз-10» космик кемасининг учиши тугалланди.

«Салют» орбитал илмий станцияси билан экспериментлар қилиш давом эттирилади.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

6-йил чиқиши.
26 АПРЕЛЬ 1971 й.
ДУШАНБА
№ 97 (1472).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Совет олимлари, конструкторлари, инженерлари, техниклари ва рационализаторлари! КПСС XXIV съезди фан-техника тараққиётини жадаллаштириш борасида қўйган вазифаларни актив амалга оширингиз! Фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини бутун чоралар билан мустаҳкамлангиз! Фан ва техниканинг янги ютуқларини халқ хўжалигига тезроқ жорий қилингиз!

[КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан]

Буюк дўстлик шарофати



БУГУН ер ости силкиниши уйқудаги шаҳарни уйғотган, ўнлаб биноларни вайрон қилган кунга беш йил тўлди. 1966 йил 26 апрелдан Тошкентнинг янги тарихи — ҳаёти ва яшаш шароитлари ўзгариши, ривожланиши, гўзаллашуви тарихи бошланди. Бу тарихнинг ҳар бир саҳифасида Ленин шаҳрининг ҳаётига, тақдирига бефарқ бўлмаган, ёрдам қўлини чўзган, ҳар бир тошкентлик оиласининг ташвишларини ўз ташвишлари деб билган Совет Иттифоқи халқларининг ҳақиқий интернационализми, ҳақиқий дўстлиги ёзилган.

Инсон табиий офатга қарши жуда катта кучни талаб қилувчи оғир ва машаққатли курашга киришди. Ер силкинди, бардош берди ва ғалаба қилди. Бундай катта кураш ва ғалаба учун кўп қаердан топилди экан? Биз бунинг манбаи — Коммунистик партия тарбиялаган совет халқларининг бузилмас дўстлигида деб айтамиз. Иттифоқдош республикалардан, Москва ва Ленинграддан Тошкентга келган қурувчилар ўша ташвишли кунларнинг барча машаққатларига биз билан шерик бўлдилар.

Дастлабки ойларда ер дапқир-дапқир силкинишда давом этди. Лекин кишилар бошлаган ишларини мардона давом эттирдилар. Партия ва ҳукуматнинг доимий ғамхўрлиги туфайли Ўзбекистон пойтахти шаҳарни тиклаш учун зарур бўлган ҳамма нарсалар билан таъмин этиб турилди.

Ўзбекистон пойтахтининг бугунги жамоли жуда гўзал. Тошкентни қайта қуришнинг бош планини олиб, шаҳар бўйлаб сайр қилса бўлади. Бундан беш йил аввал ўйланган кўпгина ишлар ҳозир амалга оширилди ёки оширилмоқда.

Тошкент илғор қурилиш техникаси лабораторияси бўлиб қолди. Бу ерда жаҳон тажрибасида биринчи марта панеллардан тўққиз балли ер силкинишига бардош берадиган тўққиз қаватли бинолар қурилаяпти.

Тошкент тобора кенгайиб, ҳуснига-ҳусн қўшилмоқда. Унинг истиқболи янада ажойиб. Газетамиз ушбу сонининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи саҳифаларида шаҳримизнинг кечаги куни, бугунги ва келажаги ҳақида ҳикоя қиламиз.



СУРАТЛАРДА: В. И. Ленин Марказий музейи филиали; РСФСР қурувчилари бунёд қилган турар-жой бинолари; эстонияликлар совғаси: Билимлар уйи фойеси; Йўлдош шаҳарча Сергелидаги кулай коттежлар; Чилонзорнинг 23-кварталида Бошқирдистон қурувчилари қурган магазин.

И. Глауберзон, В. Сироткин, В. Таран фотолари.

I-МАЙГА МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ

САНОАТ ХОДИМЛАРИ! КПСС XXIV СЪЕЗДИНИНГ МАМЛАКАТ ИНДУСТРИАЛ ҚУДРАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДАГИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН КУРАШИНГИЗ! ИЖТИМОИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ТЕХНИКА ДАРАЖАСИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ҚУНТ БИЛАН ОШИРИНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқлари).

Барча совет кишилари қаторн серқуёш республикамиз пойтахтининг меҳнаткашларн, саноатчиларнин партиямиз Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларн ғоят тўлқинлантириб юборди.

КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларнин амалга ошириш учун кураш авж олдириб юборилган шу кунларда тошкентликларнинг меҳнат ғайрати ва ижодий жўшқинлиги ҳар қачонгидан ҳам юксак. Улар партиямиз белгилаб берган улуғвор планларни амалга ошириш учун ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

1 Май, Чақириқларидан руҳланган пойтахт ишчилар синфи, қурувчилари, транспорт ва алоқа ходимлари меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни шарафига социалистик мусобақани қизитиб, тўрт ойлик топшириқни муддатидан илгари адо этиш учун бутун имкониятни ишга солмоқдалар. Редакциямизга ҳар куни корхоналардан хушхабарлар келиб турибди. Бу хушхабарлар оқимида тошкентликларнинг партия XXIV съезди қарорларига жавобан амалга ошираётган ишлари, уларнинг айни кунлардаги меҳнат ғайрати, ҳамшаҳарларимизнинг 1 Май байрамига тайёрлаётган туҳфаларн ҳақида фикр юритилади.

Қуйидаги хушхабарларда шаҳримиз саноатчиларининг ибратли ишлари, тежамкорлик ва самарадорлик юришида қўлга киритаётган ютуқлари билан танишасиз.

Техникага таяниб

Барча совет кишилари қатори «Миконд» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ҳам КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун курашмоқда. Завод меҳнат аҳли съезд ҳужжатлари билан таништи, техника тараққиётини юксалтириш, ички резервлардан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини оширш бўйича конкрет планларни аниқлаб олди.

— СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигининг янги беш йиллик Директивалари тўғрисидаги докладида совет экономикасини тараққий эттириш, халқнинг моддий фаровонлигини янада яхшилашнинг улкан программаси белгилаб берилган,— деди завод партия комитетининг секретари А. Сергеев.

— Бош технология бўлимининг коллективи,— дейди завод бош технологи В. Ефименко, — иқтита юксак механизациялаштирилган поток линияларни тайёрлаш, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб боришни ўз зиммасига олади.

Заводнинг 2-цехи коллективи ҳам юксак мажбуриятлар олди. Коллектив аъзолари «Союзсельхозтехника» буюртмаси бўйича 1 миллион 50 минг сўмлик кондиционерлар тайёрлаб беришга аҳд қилди.

Заводнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари техника тараққиётини юксалтириш, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни ўзларининг бош вазифалари деб биладилар. Бу парса корхонада маҳсулотни реализация қилиш бешйиллик топшириғини 1975 йилнинг 20 декабрида адо этиш ва плондан ташқари бир неча юз минг сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқариш имконини беради.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, механизациялаш ва автоматлаштириш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш туфайли завод бўйича меҳнат унумдорлигини 30 процентга оширишга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини эса 20 процентга камайтиришга қарор қилинди.

ҒАЙРАТГА ҒАЙРАТ ҚЎШИБ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқлари барча совет халқи каби Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи меҳнаткашларини ҳам янгидан-янги меҳнат зафарларини қўлга киритишга руҳлантириб юборди. Коллективимиз оташин Чақириққа жавобан янада самарали ишлаб, резервлардан тагин ҳам унумлироқ фойдаланишга бел боғлади.

Корхонамизда меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни 1 Май шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақаси тобора авж олиб боряпти. Бу мусобақада 3-цехнинг коммунист Х. Хошимов раҳбарлик қилаётган КПСС XXIV съезди номидаги комсомол ёшлар бригадаси, 15-механика цехининг Б. Собиров бошлиқ ёшлар бригадаси, ҳамда 2-механика цехининг А. Ширшов бошлиқ токарлар бригадалари карвонбоши бўлмоқдалар.

Бу бригадаларнинг азоматлари КПСС XXIV съезди шарафига олган мажбуриятларини шараф билан бажариб, бир ойдан бери иккинчи квартал ҳисобига маҳсулот бермоқдалар. Корхонамизнинг сўзи билан иши бир аҳил коллективи КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш йўлида куч-ғайратларини аямайдилар.

М. МУИДИНОВ,
«Ташсельмаш» заводининг слесари, коммунистик меҳнат зарбдори.

Намуна кўрсатиб

Исроилжон Раимов пўлат из шоввозларидан. У дастлаб бошқармага оддий ишчи бўлиб келди. Ўзининг меҳнатсеварлиги билан ҳамкасблари орасида обрў қозонди.

1956 йили уни Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси Тошкент йўл дистанциясининг 1-бўлимига бригадир қилиб тайинлашди. Шу йиллар мобайнида унинг ҳаётида ва коллектив меҳнатида қувончли воқеалар юз берди.

«Ҳурматли темир йўлчи» номини ва нишонини олган Исроилжон ўз бўлимида ишни янгича ташкил этди. Кейинги йилларда пўлат излар остидаги ёғоч шпаллар ўрнига, темир-бетон шпаллари ётқизилди. Йўл маршрутини ўзгартувчи стрелкалар механизациялаштирилди. Бригада пассажир ва юк ташувчи поездларнинг бир меъёрда ҳаракат қилишига эришмоқда. Холбеков, А. Давлатов ва Г. Ниёзова каби ишчилар бир неча йилдан буён пўлат изларни ремонт қилишда ҳамкасбларига ўрнак бўлишяпти.



«Ташсельмаш» заводининг коллективи тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш, турли хил пахта териш комбайнлари ишлаб чиқаришни кўлайтиришга аҳд қилган.

Сиз суратда завод 27-цехининг зарбдор фрезерчиси Антон Бригинецни кўриб турибсиз. У беш йилликни тўрт йилда бажаришга аҳд қилган.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ СЪЕЗДИДА

24 апрелда Ўзбекистон ёзувчиларининг навбатдаги VI съезди ўз ишини тугаллади. Съезд делегатлари яқдиллик билан резолюция қабул қилиб, Ўзбекистоннинг ҳамма адиблари КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XVIII съезди ўртага қўйган вазифаларни шараф билан бажаришга тайёр эканликларини изҳор этдилар.

Съезд қатнашчилари баланд руҳ билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига табрикнома йўлладилар.

Съезд ижодий союз правлениеси ва ревизия комиссиясининг янги составини, СССР Ёзувчиларининг V съездига делегатларни сайлади.

24 апрелда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи янги сайланган правлениесининг пленуми бўлиб ўтди. Комил Яшин ижодий союз правлениесининг раиси қилиб сайланди. Раҳмат Файзий, Александр Удалов, Рамз Бобожон раис ўринбосарлари қилиб сайландилар.

✦ ФУТБОЛ

Яна мағлубият

Кеча «А» класс олий лига командаларининг футбол бўйича СССР биринчилигининг навбатдаги турида «Пахтакор» қаторасига иккинчи марта йирик мағлубиятга учради. Улар Львов шаҳрида «Карпати» командасига 0:3 ҳисобида ютқазиб қўйдилар. Тўпларни 64-минутда Кульчицкий, 80-минутда Лихочев ва 85-минутда Савка киритдилар.

Шу турдаги қолган учрашувларнинг натижалари билан танишинг: «Динамо» (Киев) — «Қайрат» —0:0, «Спартак» — АСК — 1:0, «Динамо» (Минск) —«Динамо» (Тбилиси)— 1:1, «Динамо» (Москва) —«Заря»— 1:1, «Торпедо» — «Арарат» — 0:1, «Зенит»— «Шахтёр»— 1:0.

Уй муборак

ҲАШАМАТЛИ БИНОЛАР ЧОРЛАЙДИ

Янги уй-жой бинолариии фойдаланишга қабул қилиб олувчи давлат комиссияси қурилиш ташкилотларининг рапортларини тасдиқламоқда.

Бугун

комиссия Чилонзор массивининг Боғистон кўчасидаги янги шифохона биносини фойдаланишга қабул қилиб олди. У 125 ўринли онкология диспансеридир. Шифохонада бир сменада 250 кишини қабул қиладиган мажмуа, поликлиника ҳам бор. Бинони 153-қурилиш трестининг 31-бошқармаси азаматлари тайёр қилдилар.

Наққошлик кўчасида қад кўтарган иккита бино ҳам кўчанинг ҳуснига-ҳусн қўшди. Янги уйлар 90 га яқин оилани ўз бағрига чорлайди.

«Марказ-14» кварталида ҳам иккита объект ўз эгаларини кутмоқда. 280 ўринли боқчада эркатойларимизнинг яйраб тарбияланиши учун ҳамма шароитлар муҳайё этилган. 72 квартирали ҳашаматли бино ҳам ўз эгаларини хурсанд қилади. Бу объектларни 159-трестнинг 13-бошқармаси коллективи қуриб берди. Шу трест коллективининг меҳнати билан Бешқайрағоч массивида фойдаланишга топширилган 280 ўринли болалар боқчасида барча шароитлар яратилган.

Шаҳримизнинг «Марказ—1 А» кварталида эса 56 квартирали уй эгаларини кутмоқда. Уни ҳам шу трестнинг 8-бошқармаси коллективи бунёд этди.

Пойтахтимизнинг «Шимол» массивида янги-янги уйлар кўпайиб бормоқда. Бу ерда қаторасига олтита уй қуриб бўлинганлиги ҳақидаги ҳужжатлар имзоланди. Улар 300 та оилага мўлжалланган. Ҳар бир бинонинг секцияларида оналар учун қулай шароитлар яратиб берилган. Биноларнинг атрофлари ораста қилиниб, тартибга келтирилган. Янги биноларга кўчиб келувчилар 6-трестнинг 7-бошқармаси азаматлари меҳнатидан, албатта, мамнун бўладилар.

ТОШКЕНТ-

«Социализмнинг афзалликлари шаҳарларнинг табиий ўсиш процессини улардаги аҳолининг тобора соғлом ва қулай турмуш шароитларидан фойдалана олишига йўналтириш имконини беради».

Л. И. Брежневнинг КПСС XXIV съездидаги докладидан).

** Бизнинг интервью*

ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛ

Жасорат шаҳри. Қардошлик шаҳри. Жонажон Тошкентимизни зилзиладан сўнг ана шундай деб атайдиган бўлиб қолишди. Ҳақиқатан ҳам, пойтахтимизнинг бугунги жамолига боқиб тўймайсан киши. У таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ҳ. А. Асомов конкрет мисоллар асосида қуйидагиларни гапириб берди.

—Шаҳримиз кўчаларида чодирлар қуриб кишилар яшаган кунларни эслаймиз. Биз бутун мамлакатимиз республика пойтахтига ёрдам беришга ошиққан кезларини ҳам ҳеч эсдан чиқармаймиз. Биз ҳозирги кунда шаҳримиз нақадар гўзаллашиб кетганлигини ҳам яққол кўриб турибмиз. Ўтган беш йил мобайнида олиб борилган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.

— КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1966 йил июндаги «Ўзбекистон ССРга Тошкентдаги зилзила оқибатларини тугатишда ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Советининг шундан кейинги қарорларя 1966—1970 йилларда қурилиш суръатларининг кескин ошиши ва шаҳар қурилиш ташкилотларининг қувватларини кучайтириш борасидаги масалаларни аниқлаб берди.

Уй-жойдан ажралган кишиларни иложи борича тезроқ турар-жойлар билан таъминлаш учун бутун чора-тадбирлар кўрилди. Ана шу йиллар мобайнида амалга оширилган ишларга нигоҳ ташлар эканмиз, биз уни тўла асосда жаҳон шаҳар қурилиши практикасидаги энг янги кўрилмаган ишлар деб аташимиз мумкин. Зилзила оқибатларидан ном-нишон ҳам қолмади. Ҳозир янги квартал ва проспектлар, кўча ва кўприклар шаҳар ҳуснига-ҳусн қўшиб турибди.

Беш йил мобайнида 4 миллион квадрат метр фойдали майдонга эга бўлган уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Ана шу рақамнинг замирида жуда катта маъно ётибди. Агар сиз квартираларга ордер олган кишилар кувончини кўз олдингизга келтирсангиз, қалинган ишларнинг нақадар салмоқли эканлигига яққол ишонч ҳосил қиласиз.

Мактаб ўқувчиларидан 77 минг бола янги мактаблардаги парталарга ўтиришди, 24,5 минг кичкинтой янги боғча ва болалар яслиларига олишди. Шаҳарда шифо топадиган ўринлар сони 15 мингтага кўпайди.

Тошкент кишилар кўз ўнгида қайтадан туғилди. ТошДУ, ТошПИнинг янги корпуслари, микробиология ва шарқшунослик институтлари, В. И. Ленин марказий музейининг филиали бунёд этилди.

Шаҳар ўз чегарасини кенгайтира борди ва транспорт, алоқа, ободонлаштириш проблемалари ҳал этилди. Юз километр трамвай йўллари, 70 километр троллейбус линиялари қурилди. Газ артерияларя 400 километрга кўпайди. Янги-янги ўтиш йўллари, кўприклар бунёд этилди.

Беш йиллик мобайнида ўтган йигирма йил мобайнида қанча бино қурилган бўлса, шунча бино бунёд этилганлиги ҳисоблаб чиқилди. Бунга шаҳар қурилиш ташкилотлари ва лойиҳа институтларининг ишлаб чиқариш базаларини тараққий эттириш ва қувватларини оширш юзасидан кўрилган тадбирлар туфайли эришилди. Ўтган беш йил ичида биргина «Главташкентстрой»нинг қуввати икки баравварга ошди.

— Тошкентнинг янги беш йилликдаги истиқболлари ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Пойтахтнинг эртанги куни янада порлоқдир. Янги беш йилликда асосан мавжуд бирқаватли уй-жойларни ўзгартириш кўзда тутилган. Чилонзор, Қорақамиш массивидаги оммавий қурилиш ишлари ниҳоясига етказилади. Октябрь районида ва шаҳарнинг Шимолий қисмида миноралп кранлар кўкка бўй чўзади. Марказдаги қурилиш ишларини ҳам ниҳоясига етказиш белгиланган.

Албатта, кўпчиликни уй-жой биноси қизиқтиради. 1975 йилнинг охирига келиб, 4 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилади. 85 минг оила уй тўйлари ўтказади. 46,7 минг ўринли мактаблар ва қарийб 19 минг ўринли болалар боғча ва яслилари бунёд этилади.

Беш йиллик охирига келиб, трамвай линияларининг узунлиги 280, троллейбус линияларининг узунлиги 233 километрга етади.

Тошкентликларни қувонтирадиган яна бир янгиликни айтай. 1975 йили метронинг 11,6 километр узунликдаги биринчи навбати қурилиши ниҳоясига етади. Тез юрадиган поездлар Чилонзорни В. И. Ленин майдони билан боғлайди.

Ана шуларнинг ҳаммаси партия ва ҳукуматимизнинг шаҳримизнинг равнақи тўғрисида кўрсатаётган гамхўрлигининг ёрқин мисолидир.

Эски шаҳарнинг янги жамоли

«Ҳозирда янги Тошкент рус шаҳарчаларини эслатса, қадимги эски шаҳар чанг, ўтиб бўлмас лойлари, узундан-узоқ деворлар ва тор кўчаларга эга

«Туркестанские ведомости», 1871 йил.

Бугун олдинги «эски шаҳар» — студентлар, лойиҳачилар, олимлар шаҳриди. Ялангликларда янги Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ Политехника институти, ТашМИ, жисмоний тарбия физкультура институти қурилмоқдаки улар шаҳримиз ҳусинга-ҳусн қўшмоқда.

Октябрь районининг келажаги янада порлоқ. Янги беш йилликда Университет, Сағбон, Уйғур, Қорасарой ва Собир Раҳимов кўчалари қайтадан реконструкция қилинади.

Лойиҳачилар бу ерда кенг икки қаватли уйлар ва томоркага эга бўлган биноларни ҳам қуришни мўлжаллашмоқда.

Янги нон заводи

Бу гапга ажабланмасангиз ҳам бўлади. Бу— илгарилари тайёрланган нондан ўзининг янги сорти билан ажралиб турадиган нон ҳам эмас. Биз бу ерда фақат Хамза районида қурилган янги нон заводи хусусида фикр юритмоқдамиз. Ўзининг қуввати, техник жиҳатдан жиҳозланиши, нон ёпиш жараёнларининг автоматлашганлиги туфайли, бу корхонанинг олдига республикадаги ҳеч қайси бир нон заводи туша олмайди. Заводнинг бош корпуси йигма темир-бетонларидан бунёд этилган бўлиб, 4 минг квадрат метр майдонни эгаллайди. У кучли вентиляция системаси ва мўътадил установкалар билан жиҳозланган.

3-трестнинг 3-қурилиш бошқармаси биноларни март ойининг охирида завод комплексини фойдаланишга топширишган эди. Бу —уларнинг КПСС XXIV съездига тайёрлаган туҳфалари бўлди. Эндиликда, ҳар куни магазин прилавкаларига янги завод нонидан 140 тоннаси келтирилмоқда.

Шу ўринда, ана шу заводни бунёд этган кишиларга ҳам тасанно айтинг келади. П. Бельченко, Н. Карцев, З. Власова, Д. Чучарин ўртоқлар бош-қош бўлган бинокорлар номини айтиб ўтиш кифоя.

Завод қурилишига фармацевтика ва ТашМИ студентлари ҳам яқиндан ёрдам беришди. «Энергомонтаж» трестининг бошқармалари, ихтисослаштирилган 93-трест, Тошкент шаҳар монтаж бошқармаси, «Узэлектромонтаж» трести, «Промвентиляция» бошқармалари, «Ташсантехгазмонтаж» трестининг 3-монтаж бошқармаси, пардозлаш трестининг 24-қурилиш бошқармаси коллективлари ҳам нон заводининг бунёд этилишига катта улуш қўшишди.

Шундай қилиб, эндиликда шаҳардаги нон заводларининг сони 9 тага етди.

ЎТМИШ ХРОНИКАСИ

«1870 йили Тошкентда Тошкент аҳолиси эгаллаган 13861 та ҳовли ва бинолар бор эди. Бўш ётган ҳовлилар ва меҳмонларга мўлжалланган айрим ҳовлилар 322 та, саройлар (буларда 519 та дўкончалар)—23 та, мадраса—8 та, ҳаммом—8 тани ташкил этарди».

(«Туркестанские Ведомости», 21 май, 1870 йил).

* * *

«Ўрта Осиё ҳали ойнаванд деразаларни ўйламаган ҳам эди... Хонага қолдирилган туйнукчалардан ёруғлик тушар эди. Бу туйнукчалар эшиклар тепасида қолдирилган эди...»

(«Туркестанские Ведомости», 28 ноябрь 1878 йил).

* * *

Тошкентда шахсий электростанция қурилиши кўзда тутилиши муносабати билан, шаҳар бошқармаси аҳоли ўртасида электр нуридан фойдаланиш хоҳишини билдирганларини аниқлашга қарор қилди».

(Туркестанская почта», апрель, 1913 йил).

* * *

«Май ойининг охирида эски шаҳарда икки минг томошабинга мўлжалланган биринчи ёзги театр қурилиши ниҳоясига етади.»

(«ТуркЦИК Ахбороти», 11 апрель 1920 йил).

* * *

«Эски Тошкентда бешта болалар боғчаси ва битта клуб очилди... Боғчаларга борувчиларнинг умумий миқдори минг кишига яқин».

(«ТуркЦИК ахбороти», 28 апрель, 1920 йил).

* * *

«900 минг аҳолига мўлжалланган Тошкентни реконструкция қилишнинг янги схемаси бўйича шаҳарнинг «эски» ва «янги» чегаралари ўртасидаги тафовут батамом ўзгариб кетади».

(«Тошкент бўйича йўлланма». 1937 йил).

КЕЧА, БУГУН

«ТОШКЕНТ — ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИНИНГ БОШ ШАҲРИ ВА СИРДАРЁ ОБЛАСТИНИНГ ЧИРЧИҚ ДАРЕСИ БУЙИДАГИ ОБЛАСТЬ МАРКАЗИ. ЧОР АТРОФИ ДЕВОР БИЛАН УРАЛГАН, АҲОЛИСИ 165 МИНГ КИШИ... БУ ЕРДА 11 ТА ШИФОХОНА, ИККИТА КУТУБХОНА, БЕШТА ЎРТА ЎҚУВ ЮРТИ 4600 ИШЧИ ИШЛАЙДИГАН 970 ТА САНОАТ МУАССАСАСИ, ТЕАТР, РАСАДХОНА, МАСЖИД, КАРВОНСАРОЙ БОР».

Петербург, 1910 йил).





ШАҲАРДА–ШАҲАРЧА


СТУДЕНТЛАР шаҳарчасининг қурилиш бўйича бош инженери В. Д. Секитов хонасида шаҳарчанинг бош плани осонлиқ турибди. Владимир Димитрович унга яқинлашганда, бўлажак шаҳарча ҳақида қизғин гапа бошлади.

Яқинда қурилиб, ТошДУнинг эллик йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган ўн уч қаватли ректорат биноси энг сўнгги замонавий лойиҳа асосида қурилган бўлиб, унда барча қулайликлар мавжуддир.

Студентлар шаҳарчаси ҳозирнинг ўзидаёқ Ўрта Осиёда энг йирик студентлар марказидан биридир, деб сўзида давом этди Владимир Димитрович. Бу ерда ўн мингга яқин киши ўқийди ва ҳар йили уларнинг сони кўпайиб бормоқда.

КОМСОМОЛЛАР БРИГАДАСИ

Репортаж



ШАҲРИМИЗДА буиёд этилаётган «Осиё» ресторани қурилишида Павел Попов бошлиқ комсомол ёшлар коллективи қуёшдан ҳимоя қиладиган установкаларни монтаж қилмоқда.

Попов бригадаси ана шу объектда дастлабки кундан бери меҳнат қилади ва у 11-«Висотстрой» трестига қарашли 1-бошқармада шуҳрат қозонган. Хўш, бригада аъзоларининг қўлга киритаётган зафарларининг сири нимада?

— Бунинг ҳеч қандай сири йўқ, — дейди Павел.— Баъзи пайтларда коллектив ҳаётида шундай воқеалар бўладики, у босиб ўтилган йўлга янгича қараш, қўлга киритилган ютуқларга танқидий нуқтаназардан ёндошиш ва эртанги кун ҳақида янгича фикр юритишни тақозо этади. Бизнинг бригадамиз учун ана шундай воқеалардан бири КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва халқ хўжалигида тежамкорлик режимига қатъий амал қилиш ҳақида»ги Хати бўлди.

Партия ва ҳукуматимизнинг бу мурожаати бригадада амалга оширилган ишларга тубдан эътибор беришга даъват этди. Коллективимиздагиларнинг ҳаммаси комсомол аъзолари. Виктор Шандер бригадамизга Совет Армияси сафидан бўшаб келган. Уни ўқишга юбордик. Эндиликда у юксак малакали мутахассисдир. Михаил Баженов узоқ муддат дурадгорлик билан шуғулланди. У ҳам монтажчилик ихтисосини эгаллаб олди. Бу касб унга ёқди шекилли, бизга ўтиб ишлай бошлади. Эндиликда, у тўртинчи разрядли пайвандчи. В. Жолшибекова бригадамиз ташкил топгандан буён меҳнат қилади. Ҳозир тўртинчи разрядли пайвандчи.

Бизнинг меҳнатимизни кўп марта муносиб тақдирлашган. Лекин объектдаги ишлар ҳамма вақт ҳам бизни қаноатлантирмас эди. Кўп нарсалар беҳуда сарфланар эди. Бу, аввало, бригада ҳар бир аъзосининг моддий бойликларга етарли аҳамият бермаслигида, моддий рағбатлантириш воситаларининг самараси кам эканлигидан келиб чиқкан эди. Шундай бўлардики, бизнинг бригадамиз ўз меҳнатининг якунидан моддий рағбатлантирилмас эди.

Шундай қилиб, биз Хатни ҳам ўқиб чиқдик. Бутун бригада аъзолари билан қалбдан гаплашиб олишга қарор қилдик. Ана шу мажлис ҳаммамизнинг эсимизда қолди. Унда бригаданинг барча аъзоси сўзга чиқди. Ҳар хил фикрлар, музокаралар, маслаҳатлар бўлди. Ҳамма ягона хулосага — тўла хўжалик ҳисобида ишлаш системасига ўтишга қарор қилди.

Хўжалик системасига ўтгунга қадар, ишимизнинг унуми айтарли даражада яхши эмас эди. Бригадамизнинг аъзолари янги-янги ихтиролар устида, ишни яхши ташкил этиш хусусида бош қотирадиган бўлиб қолишди. Комсомол аъзоси Виктор Шандер ёғоч опалубкалар ўрнига металлдан ўрнатишни таклиф қилди. Бундан кўрилган фойда ҳам самарали бўлди.

Бригадамизнинг хўжалик системасида ишлаётганига сал кам бир йил бўлди. Бу — айтарли даражада кўп муддат эмас. Лекин ҳозиргининг ўзидаёқ янгича ишлашнинг ижобий самаралари кўзга яққол ташланмоқда. Эндиликда, бригадамизнинг ҳар бир аъзоси ўз малакасини ошириш ҳақида кўпроқ қайғурадиган бўлиб қолди. Ҳозир бригадамизда шундай тартиб бор. Кимда-ким ишлашнинг прогрессив йўлларини ўзлаштириш ҳақида бош қотирмаса у юқори разряд ололмайди. Бригада таклифига биноан унинг разряди пасайиши мумкин.

Ишимизда брак ҳам анча камайди. Эндиликда бирон киши хатога йўл қўйса, уни ишдан бўш вақтида тузатади. Ҳар бир киши эътиборсиз қилинган иш ўзининг ҳамёнига зарар келтиришини жуда яхши тушунади. Бригадамиз хўжалик ҳисобида ишлашга ўтгандан сўнг, унинг иш унуми 20 процентга, меҳнат ҳақи эса ўрта ҳисобда ўн беш процентга ошди. Бундан ташқари, амалга ошириладиган ишлар сифати кескин яхшиланди, меҳнат интизоми кучайди. Бригадамизнинг ҳар бир аъзосида топширилган иш учун масъулият ҳисси янада ошди.

А. МИНГУЛОВ,
11-«Висотстрой» трести 1-қурилиш бошқармасининг техник-геодезисти.



ЙЎЛЛАР...

Тўққизинчи беш йилликда Тошкент шаҳар қурувчилари зиммасига янги қурилишлар районларини қайтадан реконструкция қилинган зоналар билан ўзаро боғлиқ бўлган ягона системага бирлаштириш, аҳолини маданий-маиший хизмат муассасалари билан таъминлаш, шаҳарни ободонлаштиришдек улкан вазифалар юкланган.

Асосий композицион йўналишда бинолар хусусий лойиҳалар бўйича қурилади. Турар-жой массивлари ўртасида алоқа қулайлиги учун янги транспорт магистраллари ташкил этилади. Шаҳар марказидаги транспорт оқимини камайтириш учун Максим Горький кўчаси бўйлаб машиналар катта тезликда юрадиган йўл ҳамда Дониш ва Титов кўчаларида узлуксиз ҳаракат магистраллари қурилади.

Шу йилнинг ўзидаёқ Богдан Хмельницкий ва Полторацкий кўчалари янги автомобиль йўли—Ново-Полторацкий кўчаси билан боғланади, Фурқат, Пушкин ҳамда Шастри кўчалари эса бутунлай янгиланади.

Ҳаммаси бўлиб, беш йилликда 86 километрдан зиёд шаҳар магистраллари қурилади ва реконструкция қилинади. Бу магистралларда ўнга яқин йўл ўтказгичлар, тўққиз кўприк, олти ер ости ўтиш йўллари, турли баландликда транспортлар, ажралиб кетадиган икки айрилиш қурилади.

ФАБРИКА АДРЕСИНИ ЎЗГАРТИРАДИ

ТОШКЕНТДАГИ бадиий буюмлар фабрикасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар фақат республикамиздагина шуҳрат қозонмасдан, балки иттифоқимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам бу корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотларга талаб катта.

Чиройли қилиб тиқилган бежирим дўппиларни тошкентликлар ва бошқа шаҳардан келган меҳмонлар жон-жон деб сотиб олишади.

Ҳозир фабрика икки қаватли эски бинода жойлашган бўлиб, яқин кунларда корхона яқинида қурилаётган тўрт қаватли янги бинога кўчиб ўтишади.

Шу йилнинг бошларидаёқ 52-бошқармага қарашли 6-трестнинг бош пудратчилари Анатолий Мокроусов бошчилигидаги монтажчилар бригадаси ва Геннадий Александрович Гусковнинг комплекслашган бригадаси азаматлари қурилиш ишларини ниҳоясига етказишди. Ҳозир бу ерда «Узэлектромонтаж»нинг Тошкентдаги ихтисослаштирилган 2-монтаж бошқармасига қарашли электриклар ва 2-бошқармаининг «Ташсантехгазмонтаж» трести ишчилари иш олиб боришяпти.

Тошкент бадиий буюмлар фабрикасини қурувчилар шу йилнинг иккинчи квартали охиригача фойдаланишга топширишмоқчи.

ЎЗБЕК ЧИННИЛАРИ

Бу йил чинни заводининг ҳамма маҳсулот ишлаб чиқариш участкалари қайтадан реконструкция қилинади. Ҳозир бу ерда янги юксак унумдорлик печлари ва жиҳозлари ўрнатилмоқда.

Корхона ҳар йили тўққиз миллион сўмлик буюмдар ишлаб чиқараётган бўлса, 1975 йилга бориб, бу кўрсатгич икки бараварга ошади.

Беш йилликнинг биринчи йилида корхона ҳар хил чинниндан йигирма беш миллион дона ишлаб чиқаради.

БУГУН,

ТОШКЕНТ — УЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПОЙТАХТИ. ШАҲАР УНУМДОР КОЛХОЗ ДАЛАЛАРИ БИЛАН ЎРАЛГАН. АҲОЛИСИ 1 МИЛЛИОН 430 МИНГ КИШИДАН ИБОРАТ. УНЛАБ КАСАЛХОНАЛАР, 180 ДАН ЗИЁД КУТУБХОНА, ТУРЛИ ТИПДАГИ 317 УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ, 16 ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ, 180 МИНГДАН ЗИЁД ИШЧИ ИШЛАЙДИГАН 200 ДАН КЎП САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, 8 ТЕАТР, УНЛАБ САРОЙЛАР ВА МАДАНИЯТ КЛУБЛАРИ, 76 ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ МАВЖУД.

1971 ЙИЛ ИСТИҚБОЛИ

КПСС XXIV съезди қарорларида турар-жой биноларининг қурилиши сифатли ва қисқа муддатда бажарилиши билан бирга, қулай планлаштирилган, хоналарининг пардозлари ва ускуналари, бинолариниг ташқи кўриниши ва архитектурасини янада яхшилаш кўзда тутилган типовой лойиҳалар бўйича олиб борилиши зарур, деб таъкидланади.

Шу йилнинг ўзидаёқ пойтахтимизда 700 минг квадрат метр турар-жой майдони, 18 мактаб, 2 поликлиника фойдаланишга топширилади. Болалар боғчалари қурилишига 4 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланади.

ТАРЖИМАИ ҲОЛНИНГ ДАВОМИ

Ушбу учта сурат даврнинг фантастик машинаси сингари бизни ўтмишга ва келажакка сайр қилдиради. Юқоридаги суратда Тошкентнинг бугунги — юз йил муқаддам Шимол томонидан кўриниши акс этган. Пастқам, бир-бирига яқин қурилган гувалали уйлар. тор, ботқоқ кўчалар.

Мана, Тошкентнинг бугунги жамоли. «Ташгипрогор» институти коллективи лойиҳасини ишлаган «Шимол» массиви. Яқин келгусида унинг жамоли жуда ҳам ўзгариб кетади. У ёқдан истиқболга эга. Бу ҳақда архитектор С. Нагаев қисқа қилади:

Январь ойида тошкентликлар янги «Шимол» турар-жой массивида уй тўйлари ўтказишди. Қурувчилар бешта тўрт қаватли биноларни фойдаланишга топширишди. Бу бинолар «Ташгипрогор» институти лойиҳаси асосида бунёд этилди. Шаҳримизда ташкил этилган янги-янги бир массивнинг тараҳмаи ҳоли ана шундай бошланди. Бу ерда қурилиш ишлари тугалланганч, 220 минг киши истиқомат қилади. Улар учун 3 миллион квадрат метрдан ортиқ майдонда уй-жойлар қурилади. Булар темир-бетон каркаслари, гиштлар, 9 балли ер силкинишига бардош бера оладиган йирик панеллардан йиғилган йиғма уйлар бўлади. Яна бир нечта маданият ва истироҳат боғлари, хиёбонлар массивга чирой бахш этади. У 20 та микрорайонга бўлинади. Бу микрорайонларда жамоат марказлари, кинотеатрлар, спорт комплекслари қуриш кўзда тутилган. Энг тинч ва сокин жойларда мактаблар ва болалар боғчалари қурилади.

БИРДАН–ЮЗГАЧА

«Тошкент спорт мухлислари жамиятининг майдончасида (Гоголь кўчаси, 58-уй) футбол майдони қуриш ишлари ниҳоясига етказилмоқда... Агарда шаҳар билим юртлари ўз командаларини йўллаб, коптоклар сотиб олиш учун пул ажратишса мақсадга мувофиқ бўлар эди».

«Туркестанская почта» газетаси.
1913 йил.

ҲОЗИР Тошкентда жуда кўп спорт иншоотлари мавжуд. Ўнта стадион, уч юзга яқин спорт заллари, бир минг икки юздан зиёд спорт майдончалари, ўн олтита сув ҳавзаси — буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон пойтахти спортчиларининг ихтиёрида. Тошкентдаги спорт иншоотларининг умумий сони бир минг беш юздан ошиб кетади.

МЎЪЖИЗАЛАР МАСКАНИ


ЎЗБЕКИСТОНДА цирк санъати қачон келиб чиққанлигини аниқламоқчи бўлсак, бу жуда ҳам қийин эканлигини сезамиз. Довюрак дорбозларнинг ўйинлари, масхарабозларнинг ичак узди кулгилари кўпчиликни қойил қолдириб келган. Ана шу томошаларнинг ҳаммаси бозорларда ва очиқ майдонларда намойиш қилинарди. Йиллар ўтиши билан, цирк да янги-янги номерлар пайдо бўлди-ки, энди томоша кўрсатиш учун усти ёпиқ бино керак бўлиб қолди.

Революцияга қадар Тошкент цирки Свердлов номидаги концерт залида жойлашган эди. 1920 йил 7 майда «Известия», «Турк ЦИК» газеталари қуйидагиларни ёзганди: «Яқин кунларда Тошкентда, Совет Туркистонида давлат цирки очилади. Цирк учун олдинги Юматов цирки ажратилди».

Тошкентликлар Ленин кўчасидаги яна бир циркни эслашади. Ҳа, бу цирк олдидаги кўзларни қамаштирадиган рекламадар ва томошабинларни «ортиқча билетингиз борми» деган саволларини кўплаб учратардингиз. Худди шунинг учун ҳам, ер қимирлашидан илгари, Комсомол майдонида гумбазсимон янги цирк биноси қурилиши бошлаб юборилганди. Цирк лойиҳаси саккиз баллга мўлжалланган бўлиб, ер қимирлаганида бинонинг пойдеворлари ёрилиб кетди. Кейинчалик, бу бино лойиҳасини қайтадан кўриб чиқиб, уни тўққиз баллга мўлжаллашишди. Ҳозир цирк қурилиши тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

Цирк биноси қурилиши янги беш йилликнинг муҳим объектларидан бири ҳисобланади. Комплекс 1973 йилнинг охиригача ишга туширилиши керак. Барча куч шунинг учун сарф қилинмоқда.

11-«Висотстрой» трестининг азамат қурувчиларидан В. Кабаев бошлиқ дурадгорлар, Б. Остопчук бошлиқ бетончилар ва Ю. Нестеренко бошлиқ пайвандчилар бир оила фарзандларидек меҳнат қилишиб, объектни муддатида фойдаланишга топшириш учун жонбозлик қилишаяпти.



СУРАТДА: В. И. Ленин хиёбонини ер қимирлагандан кейинги кўриниши. Ю. Бутусов фотоси.

ЭРТАГА.

КЕЛАЖАК ХРОНИКАСИ

Ҳурматли газетхон! Биз шундай даврда яшаяпмизки, ҳар қандай афсона ҳам, кўз ўнгимизда ҳақиқатга айланмоқда. Аммо, инсон тирик экан, унинг орзуларининг чеки йўқ. Келинг, биз ҳам хаёлан келажакка бир сайр қилайлик. Бир дақиқага бўлса ҳам, ўзимизни, айтайлик, 2000 йилда яшаётган деб тасаввур қилайлик. Ушанда, «Оқшом»нинг бўлажак 10000-сонидаги бу хабарлар бизни ҳеч ҳайратга солмаса керак.

* * *

«Тошкентда республикамизда биринчи космодром қурилиши бошланди...»

* * *

«Тошкентлик олимлар чигитнинг янги «Т-2000» навини яратишди. Энди ўзбек пахтакорлари бир йилда икки марта ҳосил йиғиб-териб оладилар».

* * *

«30 қаватли «Тинчлик» меҳмонхонаси олдидаги майдончада вертолёт-таксилар учун яна бир тўхташ жойи ташкил этилди».

* * *

«Бугун Тошкент граждаилик ҳолатларини қайд этиш бюросида Умирали Қодировнинг туғилганлиги рўйхатга олинди. Пойтахтимиз аҳолиси уч миллион кишига етди».

* * *

«Тошкент метрополитенининг сўнгги навбати фойдаланишга топширилди. Ер ости йўли шаҳар марказини унинг энг чекка райони билан бирлаштирди».

* * *

«Энди тошкентликларга 50 даражали жазирама иссиқ ҳам кор қилмайди. Барча хонадонларда ҳаво ҳароратини бир хилда сақлаб турадиган энг янги ускуналар ўрнатилган».

ДЎСТЛИК ҚУДРАТИ

Бебаҳо Тошкентсан, наҳорнинг кундуздан шан,
Меҳнаткаш, мунис ўртоқ, қадрдон, дўст эмакдош.
Қиши-ёз, кузи-баҳор, тунн кунидан равшан,
Лондон, Париж, Румога алқишмайман қўҳна Шош.

(Ғ. ҒУЛОМ).

1. 1966 ЙИЛ 26 АПРЕЛЬ

ТАСС хабар беради:

26 АПРЕЛЬ маҳаллий вақт билан соат 5 дан 23 минут ўтганда Тошкент шаҳрида 7 ярим балл куч билан зилзила бўлди. Дастлабки маълумотларга кўра Тошкентда анчагина уй-жой бинолари, асосан эски типдаги бинолар вайрон бўлди. Бир қанча касалхона, мактаб, давлат ва жамоат муассасалари бинолари бузилди, иккита фабрика жиддий шикаст кўрди.

Тўрт кишининг ўлганлиги рўйхатга олинди ва 150 га яқин жароҳатланган киши касалхоналарга ётқизилди.

Зилзила оқибатларини тугатиш чоралари кўрилмоқда. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. Т. Новиков, КПСС Марказий Комитети Қурилиш бўлимининг мудири А. Е. Бирюков, СССР Министрлар Совети Моддий техника таъминоти давлат комитети раисининг ўринбосари Н. В. Мартинов СССР Госстройи ҳузуридаги Граждан қурилиш ва архитектура давлат комитетининг раиси М. В. Посохин ўртоқлардан иборат составда ҳукумат комиссияси тузди.

Зилзила бўлиб ўтган Тошкент шаҳрига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев ва СССР Министрлар Советининг Раиси ва Министрлар Советининг ўртоқ А. Н. Косигин учиб кетдилар.

«Правда» ёзади:

«Тошкент шаҳри, (15 май. «Правда» махсус мухбири Николай Грибачёв телефон орқали).

Фантазияси бор кишилар Тошкент зилзиласи тўғрисида гапиргандек, у «Қутурган туяга иккн ҳафта миниб юргандек» ҳодиса бўлди дейишади. Аммо дарҳол шуни аниқрок қилиб айтмоқ керакки, бундай қутурган туяни бутун шаҳар эмас, балки асосан унинг маркази миниб юрди. Кўтариб, силкитиб, қимирлатиб, чайқатиб турди. Ер остидан гувиллаган шовқинлар эшитилди ва деворлар қулайаверди. Ҳатто Эскибозор районида ҳам кам учрайдиган кексa диндор ўзбеклардан бири зилзилани сабабини изоҳлаб бундай деди: «Қизлар сочларини ўриб юриш ўрнига бошларига ажи-бужи қилиб диккайтириб қўядиган қилиқ чиқардилар. Калта-калта куйлаклар кийиб юришибди. Ернинг ғазаби келди-да. Олимлар эса ўз мулоҳазаларини лўнда қилиб айтиб беришди. Бу зилзила янгилик эмас, Каржантов синиғи бўйлаб силжиш содир бўлди. Бундай ҳодиса 1868 йилда ҳам рўй берган эди. Ўша вақтда қизлар сочларини шариатдагидек ўрар ва узун куйлаклар кияр эдилар...»

«Комсомольская правда» саҳифаларида:

«Махсус мухбиримиз В. Песковнинг зилзила рўй берган райондан репортажи:

Мен Тошкентга 8 май якшанбага ўтар кечаси учиб келдим... Эрталаб тунда 6 бал зилзила бўлганлиги, бу 26 апрелдаги зилзиладан кейин иккинчи кучли ер қимирлаш эканлиги аниқланди.

8 ва 9 май кунлари мен шаҳарни пиёда айланиб чиқдим. Умумий таассурот шуки, шаҳар аввалги меъёрини йўқотмаган, лекин шаҳар қаттиқ шикастланган... Асосан бир қаватли лой сувоқ Тошкент шикаст кўрди. Тошкентнинг тўртдан уч қисми ана шундай уйлардан иборат эканлигини ҳисобга олганда кўрилган зарарнинг ҳисобига дарров етиб ҳам бўлмайди...

Шаҳар чодирларга кўчиб чиқди. Чодирларнинг тепасига «Милиция бошлиғи», «Хозчаст», «Терговчи» деб ёзиб қўйилган. Чодирларда машинкалар чиқиллаяпти, телефонлар жиринглаяпти. «Тез ёрдам» пункти ҳам чодирларда».

Бу офатларнинг устига бешинчи май куни дарахтларни синдирган, омонат турган деворлар ва томларни қулатиб кетган, чодирларни кўтарган довулни қўшсангиз Тошкент оғир синовларга бардош берганлигини кўрасиз.

Улуғ Ватан урушидан зарар кўрган шаҳарларимиз икки-уч йилда қад кўтарган. Биз орадан икки йил ўтгач, янги Тошкентни кўришимизга кимдир шубҳа қилиши мумкин... Уруш ватқида бағри кенг Тошкент кўчириб келтирилган минглаб оилаларни, минг-минглаб болаларни ўз паноҳига олди. Тошкент урушдан кейин эса: «Аввал зарар кўрган шаҳарлар тиклансин» деб катта маблағларни сўрашга шошилмади. Шунинг учун ҳам Тошкентда лой сувоқ қилинган эндиликда эса айрон бўлган ҳовлилар кўп эди. Янги Тошкентни қуриш—умумий бурчимиздир. Жаҳонга машҳур Тошкент ер юзида чиройли жамол кўрсатиб ва мустаҳкам турсин!..

2. ТАРИХ ЗИЛЗИЛАЛАРИ

«Она ерга қара: у қон қусиб ётибди, мана бу тоғу тошларга қара, улар ҳам қонимиздек лоларанг. Бошимиз тепасидаги осмон ҳам шафақ рангида. Осмон ҳам менинг юрагимдек, менинг қонимдек қип-қизил. Ана шу қон она ерга оқмоқда. Зилзиладан томирларда қон сирқирамоқда...»

(Сицилиянинг машҳур шоири дафтаридан)

ҚУҲНА тарих мудҳиш зилзилаларнинг гувоҳидир. 1968 йилнинг баҳорида, Тошкент зилзиласидан роппа-роса икки йил кейин Италиянинг Сицилия шаҳрини зилзила қўпирчоқдек тебратди. Жебиллина, Монтеваго ва бошқа бир қанча районлар ўрнида тупроқ уюмларидан қўрғон бино бўлди. Зилзила кезларида Италия давлат телевидениеси расмий пропаганда сусайтирганн йўқ. Сицилияликларга кўрсатилаётган давлат «ёрдами» мана шу қуруқ пропагандадан иборат бўлди, холос. Зилзила содир бўлган районга борган жаҳон матбуотининг вакиллари аянчли воқеаларни ўз кўзлари билан кўриб ҳайратда қолдилар. Шаҳарни тозалаш учун техника, ярадорларга эса оддий дори-дармон, ҳоли танг майибларни ташишга замбил етишмас эди. Чодирлар йўқ. Неча юз минг аҳолининг ёлғиз паноҳи кенг осмон, очиқ дала, бетоқат тебраниб турган замин эди. Лекин буржуа пропагандаси давлатнинг кўрсатаётган «мархамати», «тантилиги», «саховати» ҳақидаги баланд парвоз сўзларни бир нафас ҳам тўхтатгани йўқ.

Тошкент зилзиласидан роса олти ой кейин Перунинг Шимолий ва Марказий районлари кучли зилзиладан ларзага келди. Минг-минглаб оилалар бошига беомон офат тушди, бор бисотларидан жудо бўлдилар. Бусиз ҳам машаққатли ҳаёт кечираётган мамлакат оғир савдолар гирдобида қолди. Мамлакат диндорлари, руҳонийлар табиат стихиясидан ўз фойдаларига ишлаб қолиш учун ҳаракат қилдилар. Улар диний пропагандани кучайтириб юбордилар, «худонинг ғазаби» билан бўлган бу офатлар учун оддий халқдан ҳайр-эҳсон ундириб, бахтсиз кишиларни баттар талядилар. Эчкига жон қайғуси, қассобга ёғ қайғуси деб шуни айтадилар-да. Ҳа худо, на диндорлар, на руҳонийлар кўчаларда тентираб қолган ожиз кишиларга бир парча нон, бошпана, на бир оғиз ширин сўзни раво кўрмади.

Бундан 48 йил муқаддам Япониянинг пойтахти Токиода бўлган қаттиқ зилзила 150 минг кишининг кўзига тупроқ тўлдирди. Ҳа, бир зилзилада Токио 150 минг қурбон берди. Япониями табиий офатлар маконн дейишади. Бу мамлакатда бир кеча-кундузда 6 минг мартагача ер қимирлаб турадиган шаҳарчалар бор. Бироқ йили Хоккайдо оролида бўлган зилзила япон халқининг бошига катта офатлар келтирди. Хўш, Япония ҳукумати зилзила оқибатларини тугатиш, бошпанасиз қолган жигарбандларидан айрилган бева-бечораларнинг кўнглини кўтариш учун бирон-бир тадбир кўрдими? Йўқ. Буни япон халқининг ўзи ошкора тан олмоқда.

Зилзила ва сув тошқинларидан азоб чекаётган аҳолига тузукроқ ёрдам берилаяпти деб бўлмайди,—дейди Японияда табиий офатларнинг олдини олиш илмий марказининг директори доктор Козухико Терада.—Менинг фикримча ҳукумат дурустроқ мадад бершга қодир эди. Баъзи оилаларгагина жон чиқмаслиги учун сув томизилгандек, майда-чуйда чойчақа берилаяпти холос.

Бундан тўрт йил муқаддам Шарқий Анатолияда бўлиб ўтган зилзила капиталистик дунёнинг жирканч башарасини яна бир бор бутун дунёга ошкор кўрсатди. Бу зилзила турк халқининг жуда кўп шаҳар ва қишлоқларини вайронгалқон қилди. Мана орадан бир қанча вақт ўтди. Кўпчилик аҳоли хозиргача очлик, касаллик азобини чекиб келмоқда. Ертўлаларда яшамоқда. Ҳукумат зилзила районда ҳанузгача бирон бир тузукроқ тадбир белгилагани йўқ. Зилзила туфайли оғир офатларга учраган камбағал халқ вакиллари ҳануз Анқара ҳукумати идоралари остонасида бефойда изғиб юрибдилар.

Капиталистик дунёнинг башараси бундан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Социалистик дунё шарофати эса Тошкент зилзиласи кунларида яна бир бор тасдиқланди. Тошкентда ҳали зилзила еткизган табиий офатнинг ҳажми аниқланмасданоқ, зилзила тақрорланиб турган ва биноларнинг сувоқлари кўчиб, деворлар ёрилаётган бир пайтда тошкентликлар жуда кўп ғамхўр ва меҳрибон ога-инилари, опа-сингиллари, беминнат дўстлари ва ҳар қачон ва ҳардам ғамхўр Коммунистик партияси бошида соябон эканлигини сезиб турдилар.

Барчага маълумки, зилзила тонгида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев ва СССР Министрлар Советининг Раиси Алексей Николаевич Косигин ўртоқлар Тошкентга учиб келдилар. Партия ва ҳукумат раҳбарлари зилзила оқибатлари билан батафсил таништилар, зилзила марказида бўлдилар. Зилзила зарби билан тўла кўчаларда, вайрон бўлган уйларда одамлар билан суҳбатлашдилар, касалхоналар ва боғчаларни бориб кўрдилар. Бошпанасиз қолган кишиларни шошилинч равишда жойлаштириш ва уларнинг таъминотини яхши уюштириш тўғрисида ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатдилар.

Тошкент зилзиласининг биринчи кунидаёқ мамлакатнинг қатор республикалари, юзлаб шаҳар ва районлардан, минглаб кишилардан телеграммалар олинди. Уларда дўстларга хос ҳамдардлик ўз аксини топган эди. Ҳар бир телеграммада «Тошкентликлар, сизларга ёрдам беришга тайёрмиз!» деган сўзлар битилган эди. Телеграммалар охири тугамай туриб, қардош шаҳар ва республикалардан конкрет амалий таклифлар кела бошлади. Қардош 14 республика ва Россия Федерациясининг ўнлаб шаҳарлари Тошкентга ёрдам кўрсатиш юзасидан қарорлар қабул қилдилар.

Тошкент зилзиласидан бир ҳафта кейин Тошкент темир йўли юк тушириш станцияси бутун мамлакатдан келаётган ҳисобсиз мададни, қардошлик рамзи бўлган ёрдам вагонларини қабул қилишга торлик қилиб қолди...

3. МАМЛАКАТНИНГ НИГОҲИ—ТОШКЕНТДА

Чин дўст бошга кулфат тушганда билинади.

(Мақол).

ТОШКЕНТЛИКЛАР бошига кулфат тушганда ёлғиз қолмадилар. Улар улуғ Советлар мамлакатида, миллион-миллион дўстлар даврасида, буюк қардошлик оиласида яшаётганларини яна бир бор ҳис қилдилар. Зилзила бўлиб ўтиши биланоқ КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати Тошкентга зарур ёрдам кўрсатиш тўғрисида қатор тадбирларни белгиладилар.

Зилзила тонгидан бошлаб КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ўртоқлар қарийб уч кун бошга кулфат тушган Тошкент бағрида бўлдилар. Оғир кунларни бошидан кечираётган дамларда партия ва ҳукумат раҳбарларининг тошкентликлар билан ҳамнафас ва ҳамдард бўлганликларини ўзбек халқи ҳеч қачон унутмайди.

Зилзиланинг биринчи кунлариданоқ москваликлар ва ашхабодликлар, ленинградликлар ва минскликлар, душанбалик ва горькийликлар, олмаоталик ва ригаликлар, бокуликлар ва киевликлар ва бошқа бир қанча миллат вакиллари тошкентликлар билан ёнма-ён турдилар. Қардош 14 республикадан ўн минглаб қурувчилар, қурилиш материаллари ортилган юзлаб вагонлар Тошкентга оқиб кела бошлади. Бунинг учун биз ҳақиқий дўстларимиз— Ватанимиздаги барча қардош халқлар номига бир умр миннатдорчилик билдирамиз.

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ.

Редактор
С. М. ҚАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ва эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28|IV да **Дон Карлос**, 29|IV да **Чио-чио-сан**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27|IV да **Мирзо Улуғбек**, 28|IV да **Бой ила хизматчи**, 29|IV да **Уғирланган умр**,

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28|IV да **Хотинимнинг эри**, 29|IV да **Севишганлар хиёбони**, 30|IV да **Ёшликда берган кўнгил**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 27|IV да **Улимларни қолдириб дога**, 28|IV да **Биринчи бўса**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **Москва лўлилар коллективининг гастроллари. «БИЗ ЛУЛИЛАРМИЗ»**.

Кино

27 АПРЕЛДА

Лочин изидан ва Оқ бўри (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10, кундуз 1, 4, кеч 7 ва 10 да).

Шайтоннинг малайлари — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 5 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Қизил чодир (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2 ярим, кеч 6 ярим ва 9 да).

Ҳамроз (2 серия) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, САНЪАТ САРОЙИ, «ВОСТОК», «КЎКЧА» (кундуз ва кечқуруни), «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 1, 3, 4, кеч 6, 7 ярим ва 9 да).

Кочиш (2 серия, кундуз соат 2 ва кеч 8 да). **Эльвира Мадиган** (кундуз соат 12 ва кеч 6 да)— «МОСКВА».

6 май кундуз соат 2 да В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг филология фанлари бўйича илмий даражалар берувчи илмий совет кенгаши (Студентлар шаҳарчаси, Г-309-аудитория)да филология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

В. Файзиева: «Тошкент конференцияси ва ўзбек адабиёти. нинг халқаро алоқалари» деган темада;

У. Долимов: «Ўзбек маърифатпарвар шоири Ибратнинг ҳаёти ва ижоди» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан университет илмий кутубхонаси (Студентлар шаҳарчаси, 4-уй) да танишиш мумкин.

5 май кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг геология фанлари бўйича бирлашган илмий совет кенгаши (академик Сулаймонова кўчаси, 33-уй)да геология-минералогия фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

М. Ю. Юсупов: «Шарқий Фарғона селли ҳавзаларининг рельефи ва тўртламчи давр ётқизиқларини ҳосил бўлиш тарихи (Норин ва Қорадарё оралиғи мисолида)» деган темада;

У. Жўраев: «Самарқанд артезиан ҳавзаси ер ости сувларининг пайдо бўлиш шароитлари» деган темада.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (академик Сулаймонова кўчаси, 33-уй)да танишиш мумкин.

5 май кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси математика ва физика бўйича бирлашган илмий совети кенгаши (Обсерватория кўчаси, 85-уй)да физика-математика фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

М. Максимов: «Тоза германийда радиация ва термо дефектларини текшириш» деган темада:

А. Жамолов: «Йсси-новали приёмникли қуёш сув иситгичининг теплотехник ва энергетик характеристикасини текшириш» деган темада

5 май кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг фалсафа фанлари бўйича илмий совет кенгаши (Х. Сулаймонова кўчаси, 33-уй, 5-қават)да фалсафа фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Р. Н. Носиров: «Абу Райҳон Беруний асарларида ҳақиқат масалалари» деган темада:

О. Мамелеков: «Коммунистик қурилиш даврида социалистик миллатларнинг яқинлашувида миграциянинг роли ҳақида» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй)да танишиш мумкин.

ТОШКЕНТ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ «ЗООМАГАЗИН»

27 АПРЕЛДАН БОШЛАБ

Тошкент паррандачилик фабрикасининг маҳсулотн жўжаларни

АҲОЛИГА СОТА БОШЛАЙДИ

Магазин эрталаб соат 10 дан кеч 6 гача ишлайди.

Яқин кунларда Октябрь ва Олой бозорларида яна икки магазин ишга туширилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ленин проспекти М-5, 66-уй.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ БОШҚАРМАСИНИНГ

ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ

26 АПРЕЛДАН БОШЛАБ

РЕСТОРАНЛАР, КУЛИНАРИЯ ВА ЯРИМ ФАБРИКАТ МАГАЗИНЛАРИ ЖОЙЛАШГАН РАЙОНЛАРДА КОНДИТЕР МАҲСУЛОТЛАРИ, ГЎШТЛИ ЯРИМ ФАБРИКАТЛАР, ПАРРАНДАЛАР, БАЛИҚЛАР, ХАМИР ВА САБЗАВОТЛАРНИНГ

Байрам олди савдосини ўтказади

Кечалар, тўй ва бошқа тантаналарни ўтказиш учун ресторанлар буюртмалар

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

1, 2, 9 май кунлари ресторан ва кафеларда оилавий тушки ва кечки овқатланишлар

ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ



РЕСТОРАНЛАР АДРЕСИ:

«Тошкент» — Ленин кўчаси, 50-уй;
«Баҳор» — Куйбишев кўчаси, 8-уй;
«Шарқ» — «Правда Востока» кўчаси, 16-уй;
«Октябрь»—Октябрь бозори;
«Гулистон» — Калинин майдони;
«Россия» — Саперная майдони;
«Дўстлик» — Энгельс кўчаси;
«Дружба» кафеси—Революция хиёбони;
«Гулнора» кафеси—ЦУМ биноси.

КУЛИНАРИЯ ВА ЯРИМ ФАБРИКАТ МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

«Дўстлик» ресторанидан — 4 (Олой бозори қаршисида);
«Баҳор» ресторанидан — Куйбишев кўчаси, 8-уй;
«Россия» ресторанидан — Беруний майдонида;
«Гулистон» ресторанидан —Калинин майдонида;

Бизнинг ресторан, кафе ва магазинларимизга марҳамат қилинг!

Тошкент оқшоми 4 БЕТ
26 АПРЕЛЬ, 1971 Й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар. Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор —33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари—33-28-33, 33-29-09, масъул секретарлар —33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар хўжалиги бўлимлари — 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари —33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими 33-28-95, эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579.
НАШР А—2536.
Р—03307.